# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 9 июль, № 132 (5806) Сешанба

# Иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожи

истеъмол бозорининг рақобатбардош маҳсулотлар билан тобора бойиб бораётганида намоён бўлмоқда





МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Аҳоли турмуш фаровонлиги — юрт тараққиётини белгиловчи асосий мезондир. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам юртдошларимизнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, улар учун муносиб турмуш муҳитини шакллантиришдан иборатдир. Албатта, унга эришишда иқтисодиётдаги янгиланишларнинг аҳамияти беқиёс. Хусусан, мазкур соҳани таркибий жиҳатдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ночор корхоналарни салоҳиятли инвесторларга бериш борасидаги тизимли ишлар натижасида бугун ички истеъмол бозорида рақобатбардош маҳсулотлар тури тобора кўпайиб бораётир.*

*Қува туманидаги "Қува қандолатлари" масъулияти чекланган жамиятининг бугунги фаолиятини эса ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси, деб баҳолаш мумкин.*

**(Давоми 2-бетда).**

ВИДЕОМУЛОҚОТ

*Маълумки, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ҳамда жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишлар таъкидланиб, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида акс этиши лозимлигига алоҳида урғу берилган.*

## Ташаббускорлик ва ижтимоий фаоллик

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокидаги анъанавий республика анжумани олдидан ўтказилган видеомулоқотда ана шу хусусда атрофлича сўз борди. Унда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳудудий комиссиялар аъзолари, сиёсий партиялар, "Оила" илмий-амалий маркази, "Олима", "Тадбиркор аёл" уюшмалари масъуллари ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши, ўз навбатида, юртимизда иқтидорли, зукко, ташаббускор қизларнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ўтган йиллар давомида мазкур мукофотга сазовор бўлган 196 нафар қизнинг 44 нафари адабиёт, 49 нафари маданият, 38 нафари санъат, 24 нафари фан, 41 нафари таълим йўналишидаги ютуқлари билан жамият ҳаётида, мамлакатни демократлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фаол иштирок этаётгани диққатга сазовор.

Тадбирда мазкур нуфузли мукофот совриндорлари бўлган қизларни янада фаолликка чақириш, шунингдек, илмий изланишлар олиб бораётган совриндор қизларни "Олима" уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорлигини ўрнатиш, тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни эса "Тадбиркор аёл" уюшмаси томонидан қўллаб-қувватланишини ташкиллаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

**(Давоми 2-бетда).**

ДУНЁ НИГОҲИ

*Америка Қўшма Штатларининг Питтсбург шаҳрида жойлашган Америка Атроф-муҳитни ўрганиш уюшмасининг анъанавий конференцияси доирасида Орол денгизининг экологик ҳалокати ва Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланилишига бағишланган махсус сессия ва фотосуратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.*

## Орол денгизи инқирози Питтсбургда муҳокама этилди

Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси томонидан АҚШ Атроф-муҳитни ўрганиш институти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир қатнашчиларининг эътиборига минтақамиздаги мавжуд экологик тизим бузилиши сабаблари, сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриб бориши ҳолати ва тенденциялари, келажакда Марказий Осиёдаги экологик вазиятни кескинлаштириши мумкин бўлган омиллар ҳақидаги батафсил маълумотлар ҳавола қилинди.

"Орол денгизи ва барқарорлик сабоқлари" сессияси иштирокчилари ҳузурида АҚШ Атроф-муҳитни ўрганиш институтининг директори М. Эдельштейн, Рамапо коллежининг профессорлари А. Церни ва М. Уилсон, Нью-Йорк университетининг докторанти Р. Лалл ҳамда Ўзбекистоннинг БМТ ҳузуридаги дипломатия миссияси вакиллари сўзга чиқиб, улар 1990 йиллардан буён Ўзбекистонда Орол инқирозининг оқибатларини бартараф этиш йўлида салмоқли сиёсий чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳолда, бу мақсадга катта миқдордаги иқтисодий ва моддий-техникавий ресурслар йўналтирилаётганини қайд этдилар.

Хусусан, чўлланиш, сув ресурслари танқислиги, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши ҳамда инсоннинг турмуш тарзи ва хавфсизлигини таъминлаш тизими учун муҳим аҳамиятга эга бўлган экологик ва биогеокимёвий цикллар тузилмасини издан чиқарадиган бошқа жараёнлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш юзасидан давлат даражасидаги стратегик чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилгани ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, сўнгги ўн йил мобайнида ирригация ва дренаж инфратузилмасини тиклаш ва модернизациялашга Ўзбекистон томонидан халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағи жалб қилингани ҳолда, республика бюджетидан Оролбўйи ҳудудидаги ирригация ва мелиорация ишларига 700 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилган.

**(Давоми 2-бетда).**

## Замонавий мобиль телефонлар

### Сирдарёда ишлаб чиқарилмоқда

*Сирдарё туманининг Ҳақиқат қишлоғида "UZTE" бренди остида замонавий мобиль телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Қиймати 3 миллион 160 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳа "Peng-Sheng" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳамда Хитойнинг "ZTE (H.K.) LIMITED" компанияси ҳамкорлигида амалга оширилди. Эндиликда янги ташкил этилган "Pengzhong Xingsheng" қўшма корхонасида мобиль телефонлар, жумладан, смартфонларнинг "Grand V", "Grand M" ва "Grand X" турлари ҳамда электрон жиҳозлар ишлаб чиқарилади.

Янги тармоқнинг очилиш маросимида иштирок этган "ZTE" компанияси Президенти Чжань Рэньцзюннинг сўзларига кўра, корхона ҳозирча йилига 100 минг дона смартфон ишлаб чиқаради.

— Жорий ойда маҳсулотларимизни арзон нархларда ички бозорга чиқаришни мўлжаллаяпмиз, — дейди у. — 2014-2015 йиллардан бошлаб уларнинг 10 фоизини экспортга йўналтирмоқчимиз. 2016 йилда, яъни корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 500 минг дона маҳсулот тайёрланади.

Қувонарлиси, янги лойиҳа шарофати билан яратилган 50 та иш ўрнининг асосий қисмини Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежининг битирувчилари банд этди.

**Файрат ЭРНАЗАРОВ.**

# хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

*Навоий шаҳрида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танлови якунланди.*

## Битирувчиларга сармоя

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг 500 нафар битирувчиси тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредит маблағлари билан таъминланди. Шунингдек, танловда энг яхши бизнес лойиҳалар эгаларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*"Ангрен нон маҳсулотлари" хусусий корхонасида маҳсулотлар тури 20 тага етиб, ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар кўпайди.*

## Бойитилган ундан шифобахш неъмат

Бу технологик янгиланишлар шарофатидир. Масалан, жамоа модернизациялаш лойиҳаси рўёби учун 365 миллион сўм сармоя йўналтирди. Шу тариқа Европа давлатларидан илғор ва замонавий технологик линия ҳамда тежамкор ускуналар келтирилди. Улар ёрдамида темир ва йод моддаси билан бойитилган ундан сифатли ҳамда шифобахш нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилмоқда.

**Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Жалақудуқ туманидаги "Алёртекс" қўшма корхонаси жамоаси ёрдамчи хўжаликларини "Тўқимачиларнинг яшил цехи" деб аташади.*

## «Тўқимачиларнинг яшил цехи»

— Корхонамиз техник ва технологик жиҳатдан янгилангач, ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортди, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Ҳурматилло Мадраҳимов. — Ўз мавқеимизга эга бўлгач, ҳудудимизни ободонлаштириш, тўрт гектардан иборат унумдор ерларимизни боғ-роғларга айлантириш, сабзавот экинлари етиштиришни йўлга қўйишга эътибор қаратдик. Куни кеча дастлабки туркум сабзавот ҳамда мевалар ҳосили узилди. Улар мавсум давомида ишчи-ходимларимизга тарқатилади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Қашқадарё вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида 1020 та тадбиркорлик йўналишидаги кичик бизнес субъекти рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг умумий сони 78 мингдан ортди.*

## Банк кредити иш берди

Айни пайтда улар томонидан импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилмоқда.

Шундай лойиҳалардан бири Қарши шаҳридаги "Grand-bek Real invest OK" оилавий корхонасида амалга оширилиб, 5 турдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун 13 миллион сўмлик банк кредити ҳамда кичик бизнес субъекти маблағи ҳисобидан илғор технологик ускуналар харид қилинди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Кичик бизнес молиявий қўллаб-қувватланмоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан**

**1,6 триллион сўмлик кредит ҳамда микрокредитлар берилди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида соҳанинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши кўплаб истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, пировардида ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил кўпайтириш имконини берди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўтган ҳафтада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказган эди.*

# Долзарб масалалар, устувор вазифалар

Учрашувларда иккита қонун лойиҳаси — янги таҳрирдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда мазкур қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаларининг концептуал асослари ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбирларда депутатлар билан бирга, Адлия, Молия вазирликлари, Марказий банк ва тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ, божхона қўмиталари, акциядорлик жамиятларининг вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар ва экспертлар қатнашди.

Қайд этиш жоизки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласи илгари сурилган эди. Унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини ошириш масаласини аниқ белгилаш назарда тутилган.

Концепция доирасида тайёрланган мазкур қонун лойиҳаси айни чоғда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Яқинда у Олий Мажлис Қонунчилик палатасида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлик гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ўтказилган тадбирлар давомида қўмита ишчи гуруҳига кўплаб таклиф ва тавсиялар тақдим этилди. Ҳафта якунида эса пойтахтимизда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти акциядорлик жамиятлари вакиллари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати эса жойларда бўлиб ўтган тадбирлар якунига бағишланди.

Иштирокчилар фикрича, қонун лойиҳаси амалдаги қонун нормаларини аниқлаштириш асосида мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, акциядорлик жамиятларининг бошқарув ва назорат органлари роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ошкоралигини таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Тадбирда акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалаларига ҳам эътибор қаратилиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар берилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан ўтказилган яна бир давра суҳбатида Ўзбекистонда чет эл инвесторларига яратилган имтиёз ва кафолатлар хусусида сўз юритилди. Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, соҳага дахлдор вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирликлари ҳамда Савдо-саноат палатаси вакилларининг маърузалари тингланди. Хусусан, чет эл инвесторларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, солиқ органлари ва бошқа назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш, улар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштириш бўйича амалга оширилаётган вазифалар хусусида сўз борди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга имтиёз ва преференцияларни белгилаб берадиган қонунчилик тизими яратилган бўлиб, бугунги кунда хорижий сармоялар жалб қилинишининг кўлами кенгайиб бораётир. Чунончи, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Президентимизнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид фармонлари соҳа ривожида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг фармонлари билан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, Ангрен ва Жиззахда ташкил этилган махсус индустриал зоналарига берилган имтиёзларга асосий эътибор қаратишди.

Бундай қўшимча имтиёз ва преференциялар юртимизда инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар жалб этишни янада мустаҳкамлайди.

Тадбир якунида депутатлар, соҳа мутахассислари ҳамда экспертлар томонидан жойларда яратилган имтиёз, преференцияларни ва шароитларни янада самарали тарғиб қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Зиёда АШУРОВА.**



# Иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожи

## истеъмол бозорининг рақобатбардош маҳсулотлар билан тобора бойиб бораётганида намоён бўлмоқда

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Гап шундаки, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмай, инқироз ёқасига келиб қолган йирик қандолатчилик фабрикаси Президентимизнинг "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисида"ги фармойишига биноан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тасарруфига берилган эди. Банк, ўз навбатида, уни молиявий соғломлаштириш учун 10 миллиард сўм миқдорида сармоя киритди. Ушбу маблағ корхонани қайта таъмирлаш, қўшимча иншоотлар қуриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфланди.

Корхона тўлиқ янгилангач, 20 га яқин турдаги қандолат ва печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда эса Германия ҳамда Италиядан келтирилган автоматик ўров дастгоҳлари қўл келмоқда.

Айни пайтда мазкур дастгоҳларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Синов тариқасида тайёрланган маҳсулотнинг дастлабки қисми Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги савдо дўконларига жўнатилди. Попукли, бежирим ўрама қоғозларга қадоқланган ширинликлар нафақат чиройи, балки таъми билан ҳам турдошларидан сира қолишмайди. Энг муҳими, иқтисодий соғломлаштириш дастури доирасида фаолияти қайтадан тикланган корхонада 50 та қўшимча иш ўрни яратилди. Уларнинг аксариятига қувалик хотин-қизлар жалб этилди.

— Коллежни битириб, шу ерга ишга жойлашдим, — дейди Дилфуза Зокирова. — Ҳозир печенье тайёрлаш цехида меҳнат қилаяпман. Мен билан ёнма-ён ишлаётганларнинг кўпчилиги тенгдошларим — касб-ҳунар коллежлари битирувчилари.

Корхона бош муҳандиси Саидаҳмад Умаровнинг айтишича, айни пайтда мамлакатимиздаги ўндан зиёд йирик савдо мажмуалари билан шартнома имзоланган. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларга ички бозорда талаб кун сайин ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ширинликларни хорижга сотиш борасида ҳам изланиш олиб борилаяпти. Бу корхонанинг фаолияти изчил ривожланиб, аҳоли дастурхони ширин-шакар қандолат маҳсулотлари билан янада бойишидан далолатдир.

**Набижон СОБИРОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Орол денгизи инқирози Питтсбургда муҳокама этилди

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Бундан ташқари, шу давр мобайнида Оролбўйи ҳудудини экологик жиҳатдан соғломлаштиришга йўналтирилган лойиҳа ва дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун бир миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланди.

Баҳс-мунозаралар чоғида экспертлар томонидан атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, Амударё ва Сирдарё ҳамда уларнинг ирмоқлари сув ресурсларидан оқилона ҳамда адолатли тарзда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди. Жумладан, трансчегаравий дарёларда минтақадаги заиф экологик мувозанатни издан чиқариши мумкин бўлган йирик гидротехник иншоотларни лойиҳалаштиришда пухта таҳлил ва мустақил экспертиза ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Қатор экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар, жумладан, аҳоли саломатлиги, демография ва ижтимоий тараққиётга нисбатан таҳдидларни қамраб олувчи Орол инқирозининг мураккаблиги ҳақида ҳикоя қилувчи "Орол денгизи фожиаси" номли ҳужжатли фильм америкалик экспертларда катта таассурот қолдирди. Унда Ўзбекистоннинг ва халқаро ҳамжамиятнинг ушбу ҳалокат оқибатларини юмшатиш бўйича саъй-ҳаракатлари ўз ифодасини топган.

Конференцияда қайд этилганидек, 2013 йили Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг таъсис этилганига 20 йил тўлади ва ташкилотдаги раислик Ўзбекистонга ўтади. Шу маънода, мамлакатимиз биринчилардан бўлиб Орол инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, Марказий Осиёдаги экологик мувозанат барқарорлигини таъминлаш ва тоза атроф-муҳитни қайтадан яратиш мақсадида минтақа ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиққани ҳам қайд этилди.

Конференция доирасида тадқиқот лойиҳаси ва 2011 йили Атроф-муҳитни ўрганиш институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан Оролбўйи ҳудудига амалга оширилган сафар якунларига кўра, 2013 йил январида Америка Қўшма Штатларида чоп этилган "Орол денгизи ва барқарор тараққиёт сабоқлари" китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, АҚШ эксперт-таҳлил доиралари вакиллари "Тожикистон алюминий заводи" давлат унитар корхонаси ("Талко" ДУК) чиқараётган зарарли ташланмалар Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош шимолий ҳудудларини ифлослантираётгани туфайли ушбу ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашуви билан боғлиқ маълумотлар билан ҳам танишдилар. Маълумки, Ўзбекистоннинг 1,1 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуди саноат чиқиндиларининг зарарли таъсири остида қолгани ҳолда, нафақат аҳоли саломатлиги ва генофондига, балки тупроқ, сув ресурслари ва қишлоқ хўжалигига катта зарар етказилаётирки, бу жиддий оқибатларга олиб келмоқда.

Тадбир доирасида унинг қатнашчилари "Орол денгизи ҳалокати: йўқолган гўзаллик бўйлаб саёҳат" номли фотосуратлар кўргазмаси билан танишиш имконига эга бўлдилар. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан тайёрланган мазкур ноёб фотосуратлар туркумида бир пайтлар гўзал денгиз бўлган баҳри азим бир авлод ҳаёти давомида қуриб бораётган сув ҳавзасига айлангани акс этган.

**«Жаҳон» АА.**
АҚШ

ИЗЛАНИШ

*Шеробод туманидаги "Маржон файз мебель" хусусий корхонасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун эшик ва дераза ромлари ҳамда мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

## Фаолият янада кенгаяди

— Маҳсулотларимизга буюртмачилар талаби асосида сайқал берамиз, — дейди тадбиркор Қувондиқ Тошпўлатов. — Бунда 35 минг АҚШ доллари эвазига хориждан келтирилган технологик ускуналар қўл келмоқда. Ҳозир жамоамиз сафида меҳнат қилаётган 15 нафар дурадгорнинг барчаси — ўз ишининг устаси. Эндиликда ёғочдан нақшинкор эшиклар тайёрловчи дастгоҳлар харид қилмоқчимиз. Ушбу лойиҳа амалга ошгач, даромадимиз янада кўпаяди. Шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратилади.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ташаббускорлик ва ижтимоий фаоллик

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

— Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, энг муҳими, юртимиз тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳар биримизнинг бурчимиз, — дейди Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Муҳаббат Тоирова. — Айниқса, Давлат мукофотини олган қизларга бу катта масъулият юклайди. Шу боис ўқиш билан биргаликда, электрон услубий қўлланма яратиш устида иш олиб бордим ва у кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Келгусида юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, билдирилган ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Тадбирда совриндор қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, илмий иш билан шуғулланаётган олима қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, ҳудудларда бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш борасида қизғин фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, зарур тавсиялар ва таклифлар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**З. ИСМОИЛОВА.**

**Транспорт тизими:**

# ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ

*Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида эътиборни талаб этадиган муҳим вазифалар қаторида хизматлар соҳасининг жадал тараққиётини таъминлаш масаласига атрофлича тўхталган эди.*

ИНТИЛИШ



Дарҳақиқат, ушбу соҳани ривожлантириш иқтисодиётимизнинг юксалиши, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, юртдошларимизга ҳар томонлама қулайликлар яратиш ва турмуш шароитини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Бунга транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Хусусан, Хоразм вилоятида мазкур тармоқ йил сайин такомиллашиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида воҳа бўйича йўловчиларга 6 миллиард 500 миллион сўмликдан ортиқ транспорт хизмати кўрсатилганлиги, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,5 фоизга ўсганлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Ҳозирги кунда эса вилоятда 65 дан ортиқ автотранспорт корхонаси фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти йўловчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган бўлиб, 339 та автобус, 112 та микроавтобус, 580 та "Дамас" русумли автоуловга эга. Жами 173 та йўналишда транспорт қатнови ташкил этилган. Шундан 31 йўналиш Урганч шаҳри, 117 таси шаҳар атрофида бўлса, 12 таси шаҳарлараро ҳамда 13 таси вилоятлараро йўналишдир.

Аҳолининг йўловчи ташиш транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш автоуловларнинг техник ҳолатига бевосита боғлиқлиги барчага аён. Шу боис юртимизда автотранспорт паркини янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада вилоятимизга ҳам кейинги йилларда ўзимизнинг автомобиль саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий транспорт воситалари келтирилди. Жорий йил эса яна 150 та янги "Исузу" автобуси ва 50 та микроавтобус харид қилишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозиргача 37 та "Исузу" ва 20 та микроавтобус сотиб олингани, ўз навбатида, биргина Урганч шаҳрида йўналишдаги автобуслар сонини 137 тага етказиш имконини берди.

Энг асосийси, автобусларнинг барчасини малакали, яъни кўп йиллик иш стажига эга бўлган ҳайдовчилар бошқармоқда. Мавжуд корхоналарда эса автотранспорт воситаларининг техник созлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва ҳайдовчиларнинг соғлиғини назорат қилиб бориш учун барча шарт-шароит яратилган.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш йўлида беқиёс эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Жумладан, вилоятимизда 13 та автокорхона жамоаси коллеж ўқувчиларига ўқишга бориш ва қайтиш вақтида бепул транспорт хизмати кўрсатиш ташаббуси билан чиққани эътиборга моликдир. Пировардида автобус йўналишлари касб-ҳунар коллежлари биноларининг остонасигача узайтирилиб, баъзиларига ўзгартишлар киритилди.

Таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш юзасидан ҳам вилоятда бир қатор ижобий ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, йўловчиларга яратилаётган қулайликлар янада ортиши баробарида, тизимга тадбиркорларни кенг жалб этиш, соҳани янги босқичга кўтариш учун кенг йўл очилди.

Гап шундаки, вилоятимизда йўналишсиз таксилар сифатида хизмат кўрсатувчи 36 та автокорхона мавжуд бўлиб, шундан 9 таси Урганч шаҳрида хизмат кўрсатмоқда. Барча таксилар эса махсус техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланган, улар учун махсус тўхташ жойлари барпо этилган.

Йўналишсиз таксилар хизматидан фойдаланувчи йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида телефон орқали буюртма асосида хизмат кўрсатувчи "Такси плюс", "Такси люкс", "Такси UZ", "Такси Лидер" ва "Такси Фортуна" фирмалари ташкил қилингани ҳам айни муддао бўлди. Эндиликда улар томонидан енгил автомашиналарни замонавий радиоалоқа воситалари билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Халқимизда "Элга хизмат — олий ҳиммат" деган пурмаъно гап бор. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимининг изчил янгиланиши натижасида аҳолининг оғири енгил, узоғи яқин бўлаётган экан, бу, табиийки, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаверади.

**Алланазар САБУРОВ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилояти бўлими бошлиғи.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*АҚШнинг Сан-Франциско шаҳридаги Халқаро аэропортда “Boeing 777” самолёти қўниш вақтида ҳалокатга учради.*

## Аэропортдаги кўнгилсизлик

Ушбу фожиа оқибатида икки нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган. Яна 182 нафари турли даражада тан жароҳати олган.

Тафсилотларга кўра, ушбу лайнер қўниш чоғида аэропорт йўлакчасининг кўрфаздан ажратиб турувчи мосламасига урилиб кетган. Оқибатда самолёт корпусига зарар етиб, унинг бортида ёнғин чиққан.

“Asiana Airlines” авиакомпанияси маъмуриятининг маълум қилишича, фалокатга учувчилардан бирининг тажрибасизлиги сабаб бўлган. Чунки у шу пайтгача бундай русумдаги самолётларни бошқармаган экан.

*“Евровидение — 2014” қўшиқлар танловининг финал босқичи келгуси йили Данияда ўтказилади.*

## Танлов санаси маълум

Бу ҳақда мазкур мамлакат миллий телеканали хабар тарқатди. Танловнинг ярим финал беллашувлари келгуси йилнинг 6 ва 8 май кунлари, финали эса 10 май санасида ташкил этилади.

Айни пайтда “Евровидение — 2014”ни ўзида қабул қилишга мамлакат пойтахти Копенгагендан ташқари, Хорсенс ва Хернинг шаҳарлари ҳам даъвогарлик қилмоқда.

Танловни ўтказиш ҳуқуқи Данияга ушбу мамлакат қўшиқчиси Эммели де Форестнинг “Евровидение — 2013”да ғолиб чиққанидан сўнг берилганди.

*Хитойда 121 кишининг ўлимига олиб келган парранда фабрикасидаги ёнғин сабабли 11 нафар давлат хизматчиси масъулиятсизликда айбланиб ҳибсга олинди.*

## Ёнғин сабабчилари жазога тортилади



Улар орасида ҳодиса содир бўлган Мишацзи посёлкаси бошлиғи, ушбу ҳудуд полицияси раҳбари, шаҳар округи ёнғин хавфсизлиги бошқармаси мутасаддиси ҳамда бир гуруҳ ўт ўчирувчилар ва қурилиш учун масъул мансабдор шахслар бор.

Прокуратура уларни ёнғинга қарши тизимни ўз вақтида жиддий кўрикдан ўтказмаганликда, полицияни эса бу текширишлар амалга оширилаётганлигини назоратга олмаганликда айбламоқда.

Эслатиб ўтамиз, “Jilin Baoyuanfeng Poultry” компаниясига қарашли парранда фабрикасида юз берган ёнғин чоғида мажмуа ҳудудида 350 нафар ишчи бўлган. Шундан 121 нафари ўт чиққан пайтда корхона ҳудудини тарк этишга улгура олмаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

NBU

***марказий офис биноси учун йўловчи лифтлари (16 кишилик) етказиб бериш бўйича очиқ танлов эълон қилади.***

Танловда иштирок этиш учун аризалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади. Бунда улар улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхасини аризага илова қилишлари шарт.

Танловда қатнашиш учун ариза юборган шахсларга танлов ҳужжатлари ушбу эълон чоп этилган санадан эътиборан 7 календарь кун мобайнида берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферталар)ни қабул қилиш, бу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чоп этилган санадан кейин 30 календарь кун ўтгач, Тошкент вақти билан соат 17.00 да тўхтатилади.

***Ариза шакли ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифлари (оферталар)ни юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси.***

***Алоқада бўлувчи шахс — Каримов Ҳожимурод Олимжонович.***

**Телефонлар: (+99871) 234-45-82, 233-20-01. Факс (+99871) 234-48-30.**

**www.nbu.com**

1095А/382



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

NBU

**тармоқ ускуналари тарзида етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.**

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) ушбу эълон чоп этилган санадан кейинги 7 календарь кун мобайнида юридик шахслардан қабул қилинади.

Тендер ҳужжатлари тендерда қатнашиш учун буюртманома юборган ва малака танловидан ўтган шахсларга берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини (оферталарни) қабул қилиш, улар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чоп этилган санадан кейинги 38 календарь кун ўтгач, маҳаллий вақт билан соат 16.00 да тўхтатилади.

***Буюртманома шакли ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини (оферталарни) юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси. Телефон: (+99871) 234-42-86. Факс: (+99871) 235-20-90.***

**Интернет-сайт: www.nbu.com**

***Алоқада бўлувчи шахс — Ольга Блохина.***

1096А/382



**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

*«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 8 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги объектлар қўйилмоқда:*

**1.** ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2013 йил 29 апрелдаги 3073/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Каттақўрғонариқ» ҚФЙ, Бухоро қишлоғи, Нарпай кўчаси, 226-уйда жойлашган, умумий ер майдони 2 291,0 кв.м., қурилиш ости майдони 552,83 кв.м. бўлган қурилиш базаси.

***Бошланғич баҳоси — 262 500 000 сўм.***

**2.** ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2013 йил 3 майдаги 1-2680/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 14-«А» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 1391,0 кв.м., фойдаланиш майдони 5390,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган супермаркет биноси.

***Бошланғич баҳоси — 727 000 000 сўм.***

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0017.*

1094А/105



**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***

**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.



*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

***Маҳсулот сертификатланган.***

11R/109



**● Реклама ва эълонлар ●**

*Ҳурматли абитуриентлар!*

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**2013/2014 ўқув йилига бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентлар қабули давом этаётганлигини эълон қилади.**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА МАВЖУД ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

| БАКАЛАВРИАТ | |
|---|---|
| Т/р | Йўналишлар номи |
| 1. | Касб таълими (агрономия) |
| 2. | Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) |
| 3. | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 4. | Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 5. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) |
| 6. | Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича) |
| 7. | Агрокимё ва агротупроқшунослик |
| 8. | Ўсимликлар ҳимояси ва карантин |
| 9. | Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги |
| 10. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси |
| 11. | Зоотехния |
| 12. | Ўрмончилик |
| 13. | Ипакчилик |
| 14. | Мева-сабзавотчилик ва узумчилик |
| 15. | Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш |
| 16. | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш |
| 17. | Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш |

| МАГИСТРАТУРА | |
|---|---|
| Т/р | Мутахассисликлар номи |
| 1. | Тармоқлар иқтисодиёти (қишлоқ хўжалиги) |
| 2. | Менежмент (қишлоқ хўжалиги) |
| 3. | Қишлоқ хўжалигида маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| 4. | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича) |
| 5. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш |
| 6. | Агротупроқшунослик |
| 7. | Агрокимё |
| 8. | Агрономия (далачилик) |
| 9. | Ўсимликшунослик |
| 10. | Доривор ўсимликлар биологияси етиштириш технологияси |
| 11. | Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича) |
| 12. | Энтомология |
| 13. | Фитопатология |
| 14. | Селекция ва уруғчилик (усуллар бўйича) |
| 15. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси (тармоқлар бўйича) |
| 16. | Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (усуллар бўйича) |
| 17. | Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш |
| 18. | Ипакчилик |
| 19. | Сабзавотчилик ва полизчилик |
| 20. | Мевачилик |
| 21. | Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш |
| 22. | Картошкачилик |
| 23. | Мева-сабзавотчиликда биотехнология |
| 24. | Фермер хўжалигини бошқариш |
| 25. | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (тармоқлар бўйича) |
| 26. | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш қурилмаларидан фойдаланиш, автоматлаштириш ва техник сервис хизмат кўрсатиш |
| 27. | Агросаноат мажмуи электротехник ускуналари ва электр таъминоти |

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-371) 260-48-00. Факс: (8-371) 260-38-60.**

1032А/607



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Савдоларга Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Ҳамза тумани судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**I.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат бино.

***Бошланғич баҳоси — 1 859 800 000 сўм.***

**II.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Алиева кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м. бўлган, бир қаватли 4 та бино, битта иншоот ва битта ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 1 714 061 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 13 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 9 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1099R/1453



**«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ**

*савдолар залида 2013 йил 26 июль ва 12 август кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 3 декабрдаги 104-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулк такроран савдога қўйилмоқда:*

Самарқанд шаҳри, Курчатов кўчасида жойлашган 2 қаватли маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (комплекс) биноси, умумий ер майдони 258,69 кв.м., хоналар сони 12 та.

***Бошланғич баҳоси — 300 664 000 сўм.***

Шунингдек, бино ичидаги жиҳозлар.

***Бошланғич баҳоси — 13 257 000 сўм.***

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк 2013 йил 26 июль кунидаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 12 август куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

*«Sagdiana real servis» МЧЖ савдолар залида 2013 йил 12 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2013 йил 22 апрелдаги 14-1316/1984-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Каттақўрғон шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**1.** «Каттақўрғон ММКК» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Ингичка кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 12818,41 кв.м., курилиш ости майдони 2548,3 кв.м., фойдаланиш майдони 1278,46 кв.м., 37 хонадан иборат маъмурий бино, савдо дўкони, айвон, токарлик устахонаси, цемент сақлаш омборхонаси, ҳожатхона, меҳмонхона, хизматчи бинолар ва омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 338 193 000 сўм.***

**2.** Корхонанинг асбоб-ускуналари.

***Бошланғич баҳоси — 779 520 000 сўм.***

**3.** Корхонага тегишли бўлган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 812 833 200 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Sagdiana real servis» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй. Телефон: (8-366) 234-53-50.**

1093А/477


Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг жамоаси масъул ходим Ш. У. Исломовга падари бузруквори

**УБАЙДУЛЛА отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Икром Ўтбосаровга қизи

**Дилсўз ЙЎЛДОШЕВА,**

набираси **ДИЛСОРАБОНУнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

**Санъат Собировна АЗИЗОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Ўзбек футболи:

# ЯНГИ МАРРАЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

*Туркия яшил майдонларида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати (FIFA U-20 World Cup)да муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "Тошкент" халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар қатнашди.*

Маълумки, айни пайтда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси — ФИФАга 209 та давлат аъзодир. Табиийки, уларнинг ҳар бири жаҳон чемпионатида ўз терма жамоасини кўришни орзу қилади. Аммо бундай имкониятга фақатгина 24 та давлат футболчиларигина эга бўла олади, холос.

Шу жиҳатдан жаҳон чемпионатига чиқишнинг ўзи катта муваффақият. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2012 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осиё чемпионатида чиройли ўйин кўрсатиб, жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлишганди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби ютуқлар бежиз қўлга киритилаётгани йўқ. Бунинг замирида юртимизда ёшларни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мужассамдир. Зеро, мустақиллик йилларида ёш авлоднинг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш мақсадида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонимизда нуфузли мусобақаларда муносиб тўп суриб, она-Ватанимиз довруғини дунёга кўтарадиган истеъдодли футболчилар авлоди вояга етди.

Туркия майдонларидаги ёшлар мундиалини кўтаринки кайфиятда бошлаган ёшларимиз Янги Зеландия, Греция каби терма жамоалар устидан ишончли ғалабаларга эришдилар. Хорватия ёшлар терма жамоаси билан эса дуранг қайд этилди. Пировардида вакилларимиз мусобақанинг энг кучли саккиз жамоаси сафидан жой олди. Агар ушбу кўрсаткичга жаҳон футболида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган Англия, Португалия, Хорватия, Парагвай, Колумбия каби давлатларнинг ёш футболчилари эриша олмаганига эътибор қаратадиган бўлсак, бу, ҳақиқатан ҳам, юксак марра эканини англаш қийин эмас.

— Шогирдларимиз билан ўзбек футболида янги саҳифа очганимиздан хурсандмиз, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев. — Албатта, уларнинг бундай муваффақиятларга эришиши истиқлол туфайлидир. Шу боис футболчиларимиз жаҳон чемпионатида юқори натижаларни қайд этиб, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига муносиб совға ҳозирлаш учун бор куч ва маҳоратларини ишга солдилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

*Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида, барча маҳалла, хонадон, ҳар қайси юртдошимиз қалбида байрам шукуҳи ҳукмрон. Эркин ва фаровон ҳаёт неъматларини ўз турмушида кўраётган ватандошларимиз мустақиллигимизнинг 22 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир.*

# САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

Бундай дилкаш учрашув ва анжуманларда мустақилликнинг ўзлигимизни англаш, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг тикланишидаги беқиёс ўрни, мамлакатимиз тараққиётидаги роли, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти, умуман, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида ёрқин саҳифалар очгани алоҳида таъкидланмоқда. Ўтган қисқа даврда эришилган асрларга тенг муваффақиятлар Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб, ҳар томонлама чуқур ўйланган оқилона сиёсати, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Мустақиллик инъом этган улкан имкониятлар самаралари Жиззах вилояти ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз кўркамлашиб бораётгани, элимиз турмуш даражасининг муттасил юксалаётгани ана шундан далолат. Юртдошларимиз дунёқараши, онги ва тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар ана шу бетимсол ютуқларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Истиқлол шарофати билан халқимизнинг қадр-қиммати қайта тикланди. Мамлакатимиздаги кўплаб муқаддас масканлар каби Жиззах вилоятидаги «Саъд ибн Ваққос», «Хўжамушкент», «Парпи ота», «Наврўзбулоқ» каби қадамжолар халқимизнинг севимли масканларига айлантирилгани одамларимиз руҳини кўтарди, ғурурини осмон қадар юксалтирди.

Ватан инсоннинг ор-номуси, қадр-қиммати, иймон-эътиқоди, шаъну ғурури, маънавияти билан чамбарчас боғлиқдир. Ватан туйғуси мураккаб ҳаёт йўлларида инсонга ҳамиша куч-қувват бағишлайди, мардликка, эзгуликка даъват этади. Ватанни муқаддас саждагоҳ деб билиш халқимиз учун эзгу орзу, шарафли бурчдир. Шу боис озод ва обод, фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган истиқлолимизни энг буюк, энг азиз қадрият билиш, ёш авлод қалбида она-юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик туйғусини юксалтириш ҳаётимизнинг асосий маъно-мазмунига айланди.

Одамларимиз руҳияти ва маънавиятидаги юксалишлар ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим ва таъсирчан омили бўлмоқда. Бунинг тасдиғини меҳнаткашларимиз турли соҳаларда эришаётган салмоқли натижалар мисолида яққол кўриш мумкин. Мисол учун, 2013 йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,7 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги соҳалари, қурилиш ишлари, пуллик хизматлар кўрсатиш изчил ривожланмоқда. Жиззах шаҳрида энг илғор технологиялар билан жиҳозланган «Жиззах пластекс» қўшма корхонаси бунёд этилди. Зафаробод туманида Олмалиқ кон-металлургия комбинати буюртмаси асосида қиймати 114 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, йилига 300 минг тонна цемент ишлаб чиқариш имкониятига эга завод қурилиши давом эттирилмоқда. Вилоят саноат салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутадиган бу каби яна кўплаб замонавий корхоналарда минглаб ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Президентимизнинг «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони асосида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб борилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида мобиль телефон, уй-рўзғор буюмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган дастлабки корхоналар ишга туширилса, истиқболда бу ерда юздан зиёд саноат корхонасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур саноат зонасининг барпо этилиши вилоятнинг Зомин, Бахмал, Фориш каби туманларида экотуризмни ривожлантириш йўлида ҳам янги имкониятлар яратади.

Тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлган бундай йирик лойиҳалар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни соғлом тафаккур, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялаш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, баркамол инсонлар этиб вояга етказишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимизнинг жорий йилнинг 19 июнь куни Жиззах вилоятига ташрифи чоғида билдирилган фикрлар, ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан белгилаб берилган янги вазифа ва марралар ҳар биримизнинг қалбимизни қувончга тўлдирди. Давлатимиз раҳбарининг Жиззах шаҳри қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳарда айланма йўл қуриш, кўчаларни айланма йўлга туташтириш, шаҳар ичида янги магистраль йўллар барпо этиш, истироҳат боғлари ташкил қилиш юзасидан берган кўрсатмалари асосида шаҳарнинг бош режаси қайта кўриб чиқилмоқда. Бу борадаги кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун 1,5 триллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида таъкидлаганидек, фермерлар мамлакатимизнинг устуни ва таянчига айланиб бормоқда. Бугунги кунда воҳада 5 минг саккиз юзга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг мингдан ортиғи кўп тармоқли хўжаликдир. Ҳозир фермерларимиз саъй-ҳаракати билан сиғими 500 тонна бўлган 3 совутқич қурилмоқда, йиллик қуввати 1400 тонна бўлган 3 мева-сабзавот, қуввати 250 тонна бўлган 2 гўшт, 1450 тонна сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 4 лойиҳани амалга ошириш юзасидан ишлар бошлаб юборилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 320 тонна сутни қайта ишлайдиган 2 корхона ишга туширилди.

Президентимизнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида вилоятда боғ майдонлари кенгайтирилмоқда. Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларига хос бўлган боғдорчилик бугунга келиб вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам изчил ривожланмоқда. Бахмал туманида бу тармоқни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тумандаги Ойқор, Музбулоқ, Сартюзи, Нўшкент, Қирққишлоқ, Новқа, Боғимозор каби қишлоқлар боғларининг довруғи кенг тарқалган. Сангзор сойлари бўйида жойлашган бу қишлоқлар тобора чирой очаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида муқаддас Ватанимизда инсон қадри азиз, ҳамма нарса унинг бахти ва саодати учун экани ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Бу юртдошларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдириб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда, ёшларимизнинг эзгу интилишларига қанот бағишламоқда.

**Акром ИНОМОВ,**
**«Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби. (ЎзА)**

# Ёшлар учун иш ўринлари

*2012/2013 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасидаги касб-ҳунар коллежларини 25 минг 600 нафар йигит-қиз 94 та йўналиш бўйича тамомлади.*

## БАНДЛИК

Шу кунга қадар, улардан аксарияти 8550 та корхона ва муассасалар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, ўз ихтисослиги бўйича иш бошлади.

— Жорий йилда Оролбўйи минтақасида 100 та меҳнат ярмаркасини ўтказиш режалаштирилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Рашид Аллаберганов. — Ҳозирга қадар бундай тадбирлардан 50 таси ташкил этилди. Натижада 1389 нафар битирувчи ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Сеҳрли чашма

*Бўстонлиқ — ўз номи билан юртимизнинг бўстон гўшаси. У жаннатмонанд боғ-роғлар, ҳад-ҳудудсиз қир ва адирлар, ям-яшил ўрмонзорлар макони. Туманни уч тарафдан Угом, Писком, Кўксу ва Чотқол тоғлари қуршаб туради. Пурвиқор музқоялардан бошланувчи жилға ва сойлар бирлашиб, бутун Тошкент воҳасига обиҳаёт улашади. Она-табиатнинг бундай бетимсол иноятлари туфайли ҳудуд иқлими йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзига хос ва бетакрордир.*

## ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Бу ерда ҳар қадамда турли тилсимотларга гувоҳ бўласиз. Кўҳна замин бағридан сизиб чиқувчи маржон булоқларни ҳам, ҳеч иккиланмай, ана шу мўъжизаларга менгзаш мумкин. Борлиққа тириклик, мусаффолик бахш этиб турувчи зилол чашмалар маҳаллий аҳолини ҳам, бу ерга келувчи меҳмон ва сайёҳларни ҳам ҳамиша ҳайратга солиб келади.

Шулардан бири Хўжакент қишлоғидаги "Чинор" гузарига туташ адирликдаги ғаройиб чашмадир. Унинг сир-синоати шундаки, чашма ҳар уч йилда бир маротаба кўз очади. Уни маҳаллий аҳоли "Оқ булоқ бува" дейишади. "Тўқсонбулоқ" деб ном қўйиб олганлар ҳам бор. Негаки, у "уйғонгач", роппа-роса тўқсон кун сув беради. Сўнг яна ер қаърига изсиз сингиб кетади. Бу ерлик ўйинқароқ болакайларнинг "Тўқсонбулоқ — ҳар уч йилда йўқсан, булоқ", ёки "Оқ булоқ — қочқоқ булоқ", дея чуғурлаб матал айтишлари шундан...

Дарвоқе, "Оқ булоқ бува"нинг суви ниҳоятда хуштаъм ва у қадар совуқ эмас — "томоқни олмайди". Яна унинг табиий майинлиги ҳам борки, ичсангиз ичингизга нур ингандек бўлади. Шунда беихтиёр сувнинг нақадар буюк неъмат эканини дил-дилингиздан ҳис қиласиз. Булоқ қайнаб чиқаётган қумлоқ ҳавза ҳам жуда мусаффо, тиниқ. Тикилсангиз аксингиз кўринади.

— Биз ҳам икки-уч бор атайин шу қишлоққа келиб, бу ажабтовур булоқнинг сувидан баҳраманд бўлганмиз, — дейди тошкентлик Муҳаббат ая Саматова. — Янглишмасам, чашманинг охирги "ташрифи" ўтган йил баҳор ойларига тўғри келганди. Рости, бундай тотли ва мусаффо булоқ сувини илгари ҳеч қаерда ичмаганман.

Неча-неча йилларки, хўжакентликлар булоқ кўз очган гўшани саранжом-саришта тутадилар. Уч йилда бир насиб этадиган дийдорини интиқиб кутадилар...

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АКТ янгиликлари

*Пойтахтимизда "Ахборот-коммуникация технологияларини давлат идораларига татбиқ этишда Корея Республикасининг тажрибаси" мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

# Тажриба ва амалиёт

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Жанубий Кореянинг Ахборот жамияти бўйича миллий агентлиги (NIA) кўмагида ташкил этилган тадбирда юртимизда фаолият кўрсатаётган давлат ҳокимияти идоралари мутахассислари қатнашди.

Семинар давомида Жанубий Кореядаги шаҳар ва провинцияларда фаолият юритаётган ахборот тизимлари ҳақида маълумот берилди. Хусусан, "Он-нара", "Минвон 24" деб номланган ахборот, транспорт интеллектуал ахборот (ITS), қишлоқ хўжалиги соҳасини ахборотлаштириш, газ ва сув етказиш соҳасидаги назорат тизимлари каби замонавий хизматлар тадбир иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида бундай тадбирларни тез-тез ташкил этиш соҳа ривожига хизмат қилиши таъкидланди.

**Элбек ДОЛИМОВ.**

# Мурожаатлар ижобий ҳал этилмоқда

*Аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматларни янада такомиллаштириш мақсадида интернет тармоғида коммунал хўжалик ва тураржой масалалари бўйича www.e-kommunal.uz портали ташкил этилган эди.*

Айни пайтда мазкур портал хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тизимида умумий алоқа инфратузилмасини яратиш ҳамда бу орқали аҳоли ва назорат қилувчи органлар, маҳаллалар, хусусий уй-жой ширкатлари, шунингдек, коммунал хизматлар ўртасида электрон маълумот алмашинувни йўлга қўйишда муҳим ўрин тутмоқда. Қолаверса, мазкур тармоқ орқали аҳоли маблағларидан мақсадли фойдаланилиши мунтазам назорат қилиб борилаяпти.

Маълумотларга кўра, портал ишга тушгандан буён ўтган қисқа даврда унга фуқаролардан 400 дан ортиқ турли мурожаатлар келиб тушган. Эътиборлиси, ушбу мурожаатларнинг 320 таси ижобий ҳал қилинган. Коммунал хўжалик ва тураржой масалалари бўйича мурожаатлардан 16 та ариза эса тегишли идораларга қайта кўриб чиқиш учун юборилган.

**Омонулла ЛУТФУЛЛАЕВ.**


Реклама




ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳозирги кунда (8 371) 257-37-69 рақамли «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» фаолият кўрсатмоқда.

1101R



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5